**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

***Қўлёзма ҳуқуқида***
**УДК:** 330.35+338 (575.1)

**РАҲМАТУЛЛАЕВА ДИЛБАР ОЛИМОВНА**

# Ҳудуд иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш (Бухоро вилояти мисолида)

**5A 230103 – “Макроиқтисодиёт"**

## Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Илмий раҳбар: **и.ф.д., проф. Н. Махмудов**

Тошкент – 2019

The first part of the master's thesis reflects the theoretical foundations of the regional economy. The second part reflects the economic analysis of structural changes in the economy of the Bukhara region. The third chapter describes ways to improve the structure of the region's economy. Conclusions and recommendations cover theoretical and practical aspects.

Первая часть магистерской диссертации отражает теоретические основы региональной экономики. Вторая часть отражает экономический анализ структурных изменений в экономике Бухарской области. В третьей главе описываются пути улучшения структуры экономики региона. Выводы и рекомендации охватывают теоретические и практические аспекты.

**Магистрлик диссертация иши "Макроиқтисодиёт" кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.**

**12 - сонли баённома «30» 05 2019 йил**

**Илмий раҳбар: проф. Н. Махмудов «30» 05 2019 йил**

**Магистрант: Д. О.Раҳматуллаева «30» 05 2019 йил**

# МУНДАРИЖА


КИРИШ........................................................................................ 3

I БОБ **ҲУДУД ИҚТИСОДИЁТИ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**........................................................................ 8

1.1. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши тушунчаси ва унинг турлари.................................................................................... 8

1.2. Ҳудуд иқтисодиёти тармоқ таркибини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари.................................................................... 14

1.3. Минтақаларда иқтисодиётнинг оптимал таркибини шакллантириш асослари.......................................................... 22

I боб бўйича қисқача ҳулосалар 28

II БОБ. **БУХОРО ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ҲОЛАТИ**.................................... 29

2.1. Бухоро вилояти иқтисодиётининг ривожланиш ҳолати ва унинг таркибий ўзгариши таҳлили............................................ 29

2.2. Вилоят саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кўрсаткичлари таҳлили............................................................ 37

2.3. Ҳудудда хизматлар соҳаси таркиби ва ундаги ўзгаришлар таҳлили.................................................................................... 46

II боб бўйича қисқача ҳулосалар 53

III БОБ. **БУХОРО ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**........................................................................ 54

3.1. Бухоро вилояти иқтисодиётининг таркибий тузилишидаги етакчи тармоқларни ривожлантириш хусусиятлари................ 54

3.2. Бухоро вилояти иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш йўналишлари.......................................................................... 64

III боб бўйича қисқача ҳулосалар 70

ХУЛОСА........................................................................................ 71

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.............................. 73

# КИРИШ

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўсатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация этиш жараёнларининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараб, амалга оширилаётган ислохотларнинг мохияти ва тамойилларини таҳлил қилиш, модернизация ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш мухим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий силжишлар ўзининг мақсади, асосий тамойиллари ва устувор йўналишларига эга. Булар қаторида саноат ва бошқа тармоқдарни ривожлантиришнинг қуйидаги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини келтириш мумкин: ишлаб чиқариш қувватларининг ахволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, махаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш.

Иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 2019 йилда 35 фоиздан 37 фоизга ортиши кутилмоқда. Бироқ айрим шаҳар ва туманларда бу масалага етарлича эътибор берилмаяпди. Оқибатда, респкбликанинг 27 туманида саноатнинг улуши вилоят кўрсаткичининг 1 фоизига ҳам етмайди.[1]

Тармоқлар бўйича таннарх ўртача 10 фоизга қисқартирилган бўлсада, кимё ва енгил саноат, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ва бошқа бир қатор тармоқларнинг айрим махсулотлари қимматлиги сабабли ташқи бозорларда рақобатдош бўла олмаяпди. Айрим корхоналар зарар билан

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2018 йил 28 декабрь, www.uza.uz.